
БЕШ МИНГ ҚАДАМ

Давлатимиз раҳбарининг беш муҳим ташаббуси доирасида ўтказилаётган “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” акциясининг асосий мақсади аҳоли, айниқса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда жисмоний фаолликни оширишдан иборат.Туманимизда ҳам “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” акцияси туман марказида эрта тонгдан бошланди. Акцияда туман ҳокими ўринбосарлари, секторлар мутасаддилари, ташаббускор ёшлар, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Акция иштирокчилари фаол қўллаб-қувватловчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамроҳлигида Дўстлик кўчаси бўйлаб белгиланган масофани пиёда босиб ўтишди.

2022-03-09 11:13:19